

ШАРТНОМА 15

Андижон шаҳар

«14» Январь 2022 й

Андижон шаҳар “ДИОКСИД” МЧЖ (кейинчалик матнда “Етказиб берувчи” деб юритилади) номидан Низом асосида иш олиб борувчи раҳбари Б.М.Нуриддинов. бир томондан ва Андижон Давлат Тиббиёт Институту Клиникаси (кейинги ўринларда “Харидор” деб аталади) номидан раҳбари Б.Ж. Раҳмонов иккинчи томон бўлиб шартномани қуйидаги мазмунда туздилар ҳамда имзоладилар:

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1. “Етказиб берувчи” «Харидорга» қуйида кўрсатилган маҳсулотларни етказиб беради, «Харидор» эса олган маҳсулот қийматини мазкур шартномада кўрсатилганидек тўлаш мажбуриятини олади.

№	Маҳсулотлар тури	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Сумма
1	Кислород гази	М3	9 000	7 500	67 500 000
2	Кислород гизи балонда	Балон	1500	45 000	
Ж а м и :					67 500 000

- *Изох бир дона 40 литрлик кислород балони сизими 6 м3*

Жами сумма: Олтмиш етти миллион беш юз минг сўм .ККС билан

2. МАХСУЛОТ НАРХИ, СОНИ ВА СИФАТИ

- 2.1. «Етказиб берувчи» томонидан етказиб берилаётган маҳсулотлар сифати Ўзбекистон Республикаси Давлат стандартлари ва техник шартларига мос келишлари керак.
- 2.2. «Харидор» маҳсулотларни «Етказиб берувчи»дан қабул қилиш жараёнида сони ва сифатини текшириб, сифат сертификати билан олиш мажбуриятини олади.
- 2.4. «Харидор» хар ойда, яъни ойнинг бешинчи санасидан кечикмай, «Етказиб берувчи» билан хужжатларни ўзаро солиштириб, солиштирама далолатномаларини тузишлари шарт. Акс холда маҳсулот бериш тўхтатилади.

3. ШАРТНОМА СУММАСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 3.1. Хисоб китоб харидор томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
- 3.2. Шартнома имзоланиб кучга кирганидан сўнг, олиндиغان маҳсулот қисмига 30% фоиз олдиндан аванс тариқасида таъминотчининг хисоб рақамига ўтказиб беради
- 3.3. Қолган охириги 70% фоизи етказиб берувчи томонидан етказиб берилган маҳсулотлар хисоб варақ фактуралар асосида жорий ойнинг охириги саначигача ўтказиб беради.

4. ТОМОНЛАРНИ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ.

- 4.1 “Харидор” оладиган маҳсулотлари учун 30% олдиндан, тўлиқ хисоб-китоб қилишни эса хар ойнинг охириги санасигача тўловни амалга оширилиши шарт. «Харидор» хар кечиктирилган кун учун берилган маҳсулотлар қийматидан 0,5% миқдорида жарима (пеня) тўлайди. Лекин умумий сумманинг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги шарт.
- 4.2. «Етказиб берувчи» маҳсулотни етказиб бериш кечиктирган ёки тўлиқ етказиб бермаган тақдирда «Етказиб берувчи » «Харидор»га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурий етказиб бермаган қисмининг 0,2% миқдорида пеня тўлайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган маҳсулотнинг қийматини 25% дан ортиқ бўлмаслиги керак.
- 4.3. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокара йўли билан хал қилинади.

4.4. Низоларни тарафларнинг музокаралари билан хал қилиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларини олдини олиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган келишмовчиликларни судга қадар бартараф қилиш жараёнларини амалга оширилгандан сўнг, уларни хужалик судига кўриб чиқиш учун берилади.

4. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ

5.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунда ваколат берилган вакиллари томонидан имзоланган шартларида ҳақиқий ҳисобланади.

5.2. Шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши, иккинчи тараф ёзма огоҳлантириш орқали хабар қилиш йўли билан амалга оширилади.

5. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

6.1. Форс-мажор ҳолатлари бўйича томонлар шартнома шартларини қисман ёки тўлиқ бажармасликка ҳақдирлар.

6.2. Шартнома шартларини бажарилмаслиги қайсидир учинчи томондан тўсқинчилик бўлса, яъни: ёнгин, табиий офатлар ёки харбий ҳаракатлар шартнома шартлари бажарилиши томонлар келишувига асосан маълум бир муддатга орқага сурилади.

6. ШАРТНОМАНИНГ МУДДАТИ

7.1. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади ва иккала нусха ҳам айнан бир хил кучга эга. Томонларни ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

7.2. Шартнома тегишли тартибда имзоланиб кучга кирганидан сўнг **2022 йил «31» декабр**гача амалда бўлади. Шартнома муддатининг тугаши томонларнинг ўз мажбурятларини бажаришдан озод қилмайди.

Хулоса.

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ равишда тузилган. Шартнома шартлари мазкур олди сотди ишлари бўйича қонунчиликда белгиланган шартларга мос келади ва Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ҳамда 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик субъектлари фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонунга мувофиқлаштирилган.

Шартнома тузилган вақтда мазкур шартномани томонлар томонидан бажарилишига таъсир ўтказилиши мумкин бўлган қонунчилик ёки бошқа томондан ҳеч қандай чегаралашлар бўлмаган.

Ҳуқуқшунос: _____

8. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАНЗИЛГОҲЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» « ДИОКСИД » МЧЖ

Андижон шаҳар, А.Йўлдашев кучаси 2-уй
х/р: 2020 8000 3050 7944 2001
ИНН: 306 439 413; МФО:00083.
Банк: ЧЭКИ «Хамкорбанк»
Амалиёт бошқармаси
ИФУД:35210;
тел: +99890 623 3067



Раҳбар:  Б.М.Нуриддинов.
М.Ў.

«ХАРИДОР»

Андижон Давлат Тиббиёт Институтининг
Клиникаси

Андижон шаҳар Бобуршоҳ кўчаси № 8
Х/Р: 23402000300100001010
МФО: 00014 ИНН: 201122919
Шахс *X.W: 401410 860034019073/01/054001*
ИНН: *200236942*



Марказий Банкнинг Тошкент шаҳар ХККМ

тел: _____
Е-май: _____
Раҳбар:  Б.Ж. Рахмонов
М.Ў.

Юристъ:  А. Маммадов